

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

● Асакадаги автомобиль заводи ишга туширилганига 13 йил тўлди. Утган давр давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган автомобиль заводи жамоаси учун юксалиш йиллари бўлди. Хусусан, завод 1996 йилда 25 минг, кейинги йили 69 мингта машина ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилнинг олти ойида ушбу кўрсаткич 90 минг 320 тани ташкил этди.

● Жиззах вилоятининг Зомин туманида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан фольклор жамоаларининг «Ўлан айтгани келдик» аънавий байрами ташкил қилинди. Унда турли вилоятлардан келган фольклор-этнографик жамоаларнинг бадиий чиқишлари намойиш этилди.

● Кармана туманидаги «Зарафшон пахта сервис» масъулияти чекланган жамияти ойига 48 минг дона жўжа очириб қувватига эга инкубаторни ишга туширди. Шу кунгача мазкур кичик корхонада 12 минг дона жўжа очирилиб, Кармана, Конимех, Хатирчи ва Навбахор туманларидаги фермер хўжалиқларига етказиб берилди.

● Пахтабод туманида тадбиркор Алишер Ваҳобов ташаббуси билан гўшти қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди. Шу кунгача бу ерда тайёрланган маҳсулот ҳажми 10 миллион сўмликка етди. Келгусида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, тайёрланаётган маҳсулот тури 10 тага етади.

● Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги «Қатортол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий гузар қурилиб, ишга туширилди. Ушбу мажмуадан савдо дўкони, тикувчилик цехи, сартарошхона, суратхона каби ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жой олган. Таъкидлаш жоизки, гузарнинг ишга туширилиши билан 22 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

● Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида мошининг янги истиқболли «Дурдона» нави яратилди. Тезпишарлиги жиҳатидан республикада ягона ҳисобланган ушбу ўсимликнинг дастлабки ҳосилини 40-45 кунда териб олиш мумкин. Уруғининг биологик пишиш даври 55 кунни ташкил этади.

**ЖАҲОНДА**

● Миландаги иқтисодий форум иштирокчилари энергетика ва молиявий-иқтисодий инкироз шароитларида кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қиладилар.

● «Тинчлик миссияси — 2009» ҳарбий машқлари доирасида Россия ва Хитой армияси иккинчи бор ҳамкорликда жанговар ўт очиш машғулотларини ўтказадилар.

● Бундан икки ҳафта муқаддам Эроннинг биринчи вице-президентлигига тайинланган Исфандиёр Машаи ўзининг бу лавозимга ўтириши муносабати билан кескин норозилиқлар юзага келганлиги сабабли истеъфога чиқди.

● Мавританиянинг 2008 йилда ҳокимиятни эгаллаган ҳарбий етакчиси ўтказилган президент сайловларининг ғолиби дея эътироф этилди.

● Туркияда кечадан бошлаб жамоат жойларида чекишнинг тақиқланиши тўғрисидаги қонун кучга кирди. Мазкур қонун Туркия парламенти томонидан 2008 йилнинг январь ойида қабул қилинган бўлиб, унга кўра кафе-барлар, рестороанлар, турли кўнгилочар масканлар, шунингдек, жамоат транспортларида чекиш қатъиян ман қилинади. Қонунни бузганлар 3,7 минг АҚШ долларигача жаримага тортилади.

● Кеча Новосибирск областида катта тезликда ҳаракатланаётган автобуснинг тўнтарилиб кетиши натижасида етти киши ҳалок бўлди, 38 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олиб касалхоналарга ётқизилди.

● Ингушетия спорт вазيري Руслан Балаев ҳаётига суиқасд уюштирилди. Номаълум кишиларнинг вазир келаётган «КИА» русумли машинанинг ўққа тутиши натижасида Балаев ва унинг ҳайдовчиси воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди. Ушбу қабиҳ жиноят юзасидан ҳозирда жиноятчиларни қидириш ишлари амалга оширилмоқда.

● Кеча Афғонистонда номаълум сабабларга кўра «Ми-8» вертолети кулаб тушган. Вертолёт бортида бўлган тўрт киши оғир яраланган, 16 киши эса ҳаётдан кўз юмган.

● Миср ва Венесуэлада А/Н1Н1 гриппи хасталигига чалинганларнинг илк бор ҳаётдан кўз юмиши ҳолатлари қайд этилди.

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (11.452)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!  
Сиз ва Ўзбекистон халқини икки муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва унинг пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонлаши муносабати билан муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади. Ушбу муҳим воқеалар муносабати билан Сиз ва Ўзбекистон халқига ўзимнинг самимий қутловларим ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мамлакатингиз давлатликка эришган дастлабки кунларидан жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришни устувор йўналиш этиб белгилади. Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистон демократик ислохотларни амалга ошириб, жамиятни кенг миқёсда модернизация қилмоқда. Кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон давлат бюджети харажатлар қисмининг 50 фоиздан ортиги ҳар йили ижтимоий эҳтиёжларга, жумладан, барча фуқароларга бепул тиббий хизмат кўрсатишга, умумий таълимга, кексалар, хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш дастурларига йўналтирилаётгани ва сарфланаётгани ҳақидаги маълумотлар мени қувонтиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳар доим минтақада халқаро ҳамкорликни, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида изчил ва фаол сиёсат юритиб келган. Ўзбекистон жадал ривожланаётган давлатнинг ёрқин намунасидир. Бу мамлакатингизнинг барқарор ривожланиш, глобал ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида БМТ билан фаол ҳамкорлигида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Айниқса, Сиз, Жаноби Олийларининг илк бор Бош ассамблеянинг 1993 йилдаги сессиясида эълон қилинган Марказий Осиёда ядродан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлашдан мамнунман. Сиз ва Ўзбекистон халқи ушбу ташаббуснинг рўёбга чиқишида эришган муваффақиятларингиз билан ҳар қанча мақтовга сазоворсиз. Мазкур ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш борасида барча қўшни мамлакатлар билан бошланган яқин ҳамкорлик натижаси жорий йилнинг 21 мартида кучга кирган Шартномада ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мен ҳаёлан ҳамиша Ўзбекистон халқи билан бирман. Зеро, яқинда қарийб уч миллион аҳоли яшайдиган ажойиб пойтахтингизнинг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонлайсиз. ЮНЕСКО Бош конференцияси ўзининг 34-сессиясида Тошкентни Марказий Осиёдаги энг йирик мегаполис сифатида эътироф этиб, унинг 2200 йиллигини байрам қилиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Тошкент бутун минтақани иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Тошкент халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб қолаётганининг гувоҳи бўлиш менга мамнуният бағишлайди. «Тошкент — Шарқ дарвозаси» деб бежиз айтилмаган, мен бу машҳур иборага тўла-тўқис қўшиламман.


Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Мигель д'Эското БРОКМАН,  
БМТ Бош ассамблеяси Раиси




## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200  
2009  
ТОШКЕНТ



### Шаҳрим — фаҳрим

**Бутун мамлакатимиз,  
эл-юртимиз қутлуғ тўйлар,  
қўшалоқ байрамлар  
арафасида турибди.  
Ўтаётган ҳар бир кун  
барчамизни Ватанимиз  
мустақиллигининг 18  
йиллиги катта тантана  
қилинадиган буюк санага  
тобора яқинлаштирмоқда.**



## СОҲИБҚИРОН НОМИГА МУНОСИБ КЎЧА

Давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз истиқлолининг ўн саккиз йиллик байрамига тўйғарлик қўриш ва уни ўтказишга оид қарорда алоҳида таъкидланганидек, мустақиллик биз учун — ўзлимизни ағлаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

Истиқлол айёми, энг улуг, энг азиз байрамимиз шукҳу пойтахтимизнинг юбилей тантаналарига улашиб кетишида рамзий маъно бор. Зеро, Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллиги ай-

нан Тошкентда эълон қилинди, жаҳонда «Ўзбек модели» деб аталган иқтисодий ислохотларга мана шу шаҳарда тамал тоши қўйилди. Ер қуррасида истикомат қиладиган турли миллат ва элатлар Тошкент деганда мустақил Ўзбекистонни кўз олдига келтиради. Қадим Шошнинг Шарқ дарвозасига қиёсланиши ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, албатта.

Тошкентнинг азалдан тинчлик ва дўстлик, нон шаҳри сифатида эъзозлангани, доврўги тиллардан тилларга кўчгани бежиз эмас. Бу таърифлар замирида пойтахтимизнинг нафақат мам-

лакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, балки минтақавий муаммоларни ҳал этишдаги юксак мавқеи, гўзал табиати, меҳрибон ва меҳмондўст, тадбиркор ва ишбилармон одамларининг юксак фазилатлари ҳам ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида пойтахтимизда улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар янада чирой очди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Илгари хабар берилганидек, 2009 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари қўриб чиқилди ва жаҳон иқтисодий инкирози оқибатларини бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика Хукуматининг жорий йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришлар, ислоҳ қилиш жараёнлари ва Инкирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши ҳар томонлама қўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойилини рўёбга чиқаришга асосланган пухта ўйланган ва изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, шунингдек, инкирозга қарши чораларнинг ўз-

вақтида қўрилиши туфайли нафақат дунёнинг аксарият давлатларида кузатилаётган инфляция даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, савдо балансининг салбий сальдоси, инвестицион фаолликнинг суусайиши, ишсизликнинг ошиши, аҳолининг турмуш даражаси ва реал даромадларининг кескин пасайишининг олди олинди, балки иқтисодиётни барқарор, мувозанатли ва мустаҳкам ривожланиши таъминланаётгани қайд этилди.

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,1 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,6 фоизни, хизматлар кўрсатиш 18,5 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 32,5 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдордаги профит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Аҳолининг реал даромадлари ўсиши 25,9 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ўтказилган тадбир касаначиликни ривожлантиришнинг аҳамиятига бағишланди.

✓ **МИЛЛИЙ** санъат марказининг кўрғазмалар залида санъат илҳосмандлари эътиборига қандакорлик санъати намуналари кўрғазмаси ҳавола этилмоқда. Ушбу тадбир 15 августга давом этади.

✓ **«МАШҲАЛ»** ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида КЕЧА ўтказилган «Ёз — ўтмоқда соз» мавзусидаги тадбир ва концерт томошаси Миробод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги 204-мактаб қошида ташкил этилган «Кўёшча» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Кўришгунча, хайр» деб номланди.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мажлисда ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирози шароитларида республикамизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, кўплаб турдаги экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ва нархлар кескин пасайган бир пайтда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига бўлган ички талабни, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, уй-жой қурилиши, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мамлакатимиз корхоналари ўртасида кооперациялашув асосида товар етказиб беришни кенгайтириш ҳисобидан ошириш иқтисодиёт барқарорлигини кўллаб-қувватлашнинг муҳим омилга айлангани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қабул қилинган қарорига мувофиқ жорий йилнинг январь-июнь ойларида умумий фойдаланиладиган халқро ва давлат аҳамиятига эга автомобил йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасида 141 миллиард сўмлик иш ҳажми бажарилди. Қишлоқ жойларда 435 километр газ ва 839 километр сув қувурлари тармоқлари фойдаланишига топширилди, 2,9 миллион квадрат метр яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Мелиорация ва ирригация объектларида қиймати 61,1 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. 233 умумтаълим мактаблари фойдаланишига топширилди, 196 касб-хунар коллежи ва 18 академик лицейни қуриш якунланмоқда ва улар янги ўқув йилига қадар фойдаланишига топширилади. Барча жойлардаги аҳоли пунктларида ва магистраль автомобиль йўллари ёқаларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, «Ўзавтотўй», «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига республика аҳолисини ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан барқарор таъминлаш, йўл қурилиши, бошқа ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш, шу жумладан, аҳоли пунктларини, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ва шу асосда қўшимча иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш топширилди.

Ички талабни кенгайтириш билан биргаликда экспорт қилувчиларни кўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриломоқда. Экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблагларини тўлдирish учун тижорат банклари томонидан 81 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди, экспорт қилувчи корхоналарга қайтариб берилган қўшимча қиймат солиғи ҳажми 21 миллиард сўмни ташкил этди, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича, жарима ва пенялардан кечган ҳолда, электр энергияси, табиий газ етказиб бериш ва кўрсатилган коммунал

хизматлар учун қарийб 56 миллиард сўмлик қарздорлик реструктуризация қилинди, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича жарима ва пенялардан кечган ҳолда, 54,5 миллиард сўм, 65 миллион доллар ва 8 миллион евро миқдоридagi қарздорлик реструктуризация қилинди. Экспорт маҳсулотларини таннархига тенг бўлган, айрим ҳолларда таннархидан паст бўлган нархларда сотиш бўйича механизм қўлланилди. Қайд этилган чора-тадбирлар, шунингдек, экспортни янада диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларга чиқиш экспорт дастури бўйича 13,4 фоизга ўсишини ва савдо баланснинг қарийб 1,6 миллиард долларлик ижобий сальдосини таъминлади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, шунингдек, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал ташкил этиш ҳисобидан оши-

фоизи йўналтирилди.

Республикада ўтган ярим йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида янги қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган, янги экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 667 та ишлаб чиқариш ва инфратузилма инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида 193 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, енгил саноатда ва тўқимачилик тармоғида 32, озиқ-овқат саноатида 67, қурилиш материаллари саноатида 78 объект ишга туширилди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 95 янги турини ўзлаштириш, маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1,8 баравар ошириш, 708 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имконини берди. Аҳолининг иш билан бандлиги да-

нинг 20 июлидан бошлаб барча шаҳарлар ва туманлар марказларида, шунингдек, мактабларда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарлари ва ўқувчилар формаси сотиладиган ярмаркалар ташкил этиш топширилди. Ушбу мақсадда ташкил этилган республика комиссиясига ярмаркаларни уюшқоқлик билан ўтказиш, зарур мактаб анжонлари, дарсликлар ва ўқувчилар формаларининг ўз вақтида ишлаб чиқарилиши, етказиб берилиши ва сотилишини таъминлаш топширилди.

Иқтисодиёт вазирлигига «Ўзбекенилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзугуржисавдоинвест» уюшмаси, «Матлуботсавдо» худудий компаниялари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда республикада мактаб товарлари ва ўқувчилар формаларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида сифатли мактаб анжонлари ва ўқувчилар формалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, улар билан савдо корхоналарини узуксиз таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини келгуси куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ишларининг бориши муҳокама қилинди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, бошқа идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондиди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари комплексининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсан жавобгарлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига турар-жой биноларида, шунингдек, ижтимоий мақсадларга мўлжалланган объектларда иссиқлик ва энергияни максимал даражада тежаш юзасидан жамоатчилик назоратини, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хўбусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан назорат тизимини ташкил этиш ва жорий қилиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Шунингдек, қиш-баҳор даврида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турлари билан арзон нархларда кафолатланган тарзда таъминлаш учун уларни зарур ҳажмларда фамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Республика Ҳукумати мажлисида кўрилган масалаларни муҳокама қилиш натижалари бўйича 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

риш, қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларнинг иш билан бандлик даражасини ўстиришни таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ва турмуши сифатини ошириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекс амалга оширилмоқда. Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, мамлакатимиз фермерлари томонидан 6,6 миллион тоннадан зиёд галла йиғиб олинди. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш 12,4 фоиз, чорва моллари ва парранда 6,6 фоиз, тухум 15,3 фоизга кўпайди. Буларнинг барчаси аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини ишончли таъминлаш учун шароит яратди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилдики, банк тизимининг инвестиция фаолиятини фаоллаштириш, энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмларининг 32,7 фоизга, шу жумладан, тўридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 2,6 баравар ўсишини таъминлади. Ишлаб чиқариш инвестицияларига жами инвестициялар ҳажмининг 71,1

ражасини ошириш энг муҳим ва асосий устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳисобот даврида 534,6 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 328 мингта янги иш ўрни, корхоналар билан кооперация асосидаги касаначилик соҳасида 52 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Мажлисида савдо тармоғида ва истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда товарлар захираларининг ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Республика худудларида ўтказилган ўрганишлар натижалари шуни кўрсатдики, айрим корхоналарда тайёр маҳсулотларнинг нормативдан орტიқча миқдорда тўпланиб қолишига йўл қўйилган. Шу муносабат билан тегишли тармоқлар, хўжалик бирлашмалари ва республика худудлари раҳбарларига маркетинг ишларини такомиллаштириш, маҳсулот сотишнинг янги бозорларини фаол излаш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг таннархини пасайтириш, маҳсулотларнинг нормативдан орტიқча қолдиқларига йўл қўймасликка йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Янги йўл йили яқинлашаётганлигини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзугуржисавдоинвест» уюшмаси, «Матлуботсавдо» худудий компаниялари ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига жорий йил-

нинг 20 июлидан бошлаб барча шаҳарлар ва туманлар марказларида, шунингдек, мактабларда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарлари ва ўқувчилар формаси сотиладиган ярмаркалар ташкил этиш топширилди. Ушбу мақсадда ташкил этилган республика комиссиясига ярмаркаларни уюшқоқлик билан ўтказиш, зарур мактаб анжонлари, дарсликлар ва ўқувчилар формаларининг ўз вақтида ишлаб чиқарилиши, етказиб берилиши ва сотилишини таъминлаш топширилди.

Иқтисодиёт вазирлигига «Ўзбекенилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзугуржисавдоинвест» уюшмаси, «Матлуботсавдо» худудий компаниялари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда республикада мактаб товарлари ва ўқувчилар формаларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида сифатли мактаб анжонлари ва ўқувчилар формалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, улар билан савдо корхоналарини узуксиз таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини келгуси куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ишларининг бориши муҳокама қилинди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, бошқа идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондиди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари комплексининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсан жавобгарлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига турар-жой биноларида, шунингдек, ижтимоий мақсадларга мўлжалланган объектларда иссиқлик ва энергияни максимал даражада тежаш юзасидан жамоатчилик назоратини, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хўбусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан назорат тизимини ташкил этиш ва жорий қилиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Шунингдек, қиш-баҳор даврида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турлари билан арзон нархларда кафолатланган тарзда таъминлаш учун уларни зарур ҳажмларда фамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Республика Ҳукумати мажлисида кўрилган масалаларни муҳокама қилиш натижалари бўйича 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

## ЁШЛАР АНЖУМАНИ

**Шаҳримиздаги ёшлар ижодиёти уйда Ўзбекистон «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлимнинг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими Кенгашининг фаолияти муҳокама этилиб, шаҳримизнинг 2200 йиллигига бағишланган режалар белгилаб олинди.**

Конференцияда сўзга чиққан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси А.Алимов, Тошкент шаҳар ҳокими Урибосари Н.Бахтиёрлов ва бошқалар давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, уларни юксак маънавият руҳида тарбиялашдек масъулиятли жараёнда миллий анъана ва кадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Ёшларни бирлаштириш, уларнинг фаолигини ошириш борасида қўрилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Камолот» ЁИХнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши тизимининг энг илғор ташкилотларидан бири саналади. Бугунги кунда шаҳримизда Ҳаракатнинг 670 та бошланғич ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларнинг сони 2007 йилда 439 тани ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб 442 тага етди. Ўз навбатида «Камолот» аъзоларининг сони ҳам ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, 2006 йилда ҳаракат бошланғич ташкилотлари тузилган жамоалардаги ёшлардан 325 минг 275 нафари ҳаракат аъзоси бўлган бўлса, 2007 йилда 338 минг 805

нафар, 2008 йилда эса 364 минг 624 нафари ЁИХ сафига жамланди. Уларнинг фаолиятини жонлантириш, олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунга қадар 342 марта ўқув семинарлари, тренинглар ўтказилди. Утган 2,5 йил давомида шаҳар Кенгаши кўплаб қизиқарли лойиҳаларни амалга оширди. Масалан, «Ези «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ёшларнинг бундай вақтларини маъмул ташкил этиш, уюлмаган ёшларни бирлаштириш мақсадида шаҳримиздаги 474 та маҳалла гузарига 16 та йўналиш бўйича 2 мингта яқин тадбирларни ташкиллаштириб, унга 30 мингдан ортиқ ёшлар жалб қилинди.

Дарҳақиқат, «Камолот» ЁИХ бугунги кунда шаҳар миқёсидаги йирик ташкилот сифатида шаклланиб, ўзининг атрофида миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштирди ва уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан шаҳримизнинг 2200 йиллик юбилейига бағишланган «Тошкент шаҳрим — гўзал маконим» шиори остида ободонлаштириш ва қутлуг тўйини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва макъбига муносиб равишда нишонлаш, унинг

дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, бой тарихий ва маданий меросни тарғиб этиш, ёшларимиз қалбиди муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш борасида кенг қўламдаги ишлар бажарилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда мазкур ташкилотнинг ранг-баранг тадбирлари қўламини бора кенгаймоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Куч — билим ва тафаккур» ўқувчи-ёшлар ижодиёт фестивали, ёшлар учун меҳнат ярмаркалари, «Гулла-яшна, гўзал Тошкентим!» «Биз бир сафдамиз», «Энг фалон маънавият тарғиботчиси» каби лойиҳалар, бадий ва фотокўргазмалар, концертлар, олимлар, археологлар, санъатшунослар иштирокидаги диван сўхбатлари, ижодий учрашувлар шулар жумласидандир.

Конференцияда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгусидаги истиқболли режалар белгилаб олинди. Унда, айниқса Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан боғлиқ тадбирларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш лозимлигига муҳим эътибор қаратилди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

## СОҲИБҚИРОН НОМИГА МУНОСИБ КЎЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).



Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелдаги қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ пойтахтимизда ушбу юбилейга қизғин тайёргарлик кўриломоқда. Буни ҳар қадамда қўриш-кузатиш мумкин. Жумладан, ўзига хос сўлим зияратгоҳга айланган Амир Темур хиёбонидида катта қурилиш ва таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг кўрмига кўрк кўшиб, уни янада фусункор кўрсатаётган жиҳат бу, албатта унинг шох кўчаларидир. Улар орасида Амир Темур шох кўчасининг алоҳида ўрни бор.

«Туркистон» кўчасидан Тошкент автомобиль халқа йўлининг «Уч қахрамон» йўл-патруль хизмати масканигача бўлган оралиқни ўз ичига олган мазкур кўчанинг умумий узунлиги 10 километрга яқин. Бунда, аввало, кўчанинг кенглиги ва кўзни қувнатидан мухташам биноларнинг кўллиги эътиборни тортган. Тошкент автомобиль-йўллар институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети филиали, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Амир Темур хиёбони, Акварапкани ким билмайди дейсиз. «Марказий», «Дедеман Силк Роад», «Радиссон САС-Тошкент», «Интерконтиненталь-Тошкент» меҳмонхоналари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, қайта таъмирланган Олой ва Юнусобод бозорлари, нуфузли халқаро мусобақаларни ташкил этишда барча шарт-шароитга эга «Ўзбекистон» спорт мажмуаси ҳам шу кўчада жойлашган.

Ушбу кўча бўйидаги Бўзсув канали соҳилида умумий баландлиги 375 метрлик Тошкент телемунораси қад ростлаган. Ушбу ноёб иншоотда радио-телевизион узатиш станцияси, метеорологик станция, «Коинот» ресторани ва томоша майдончалари мавжуд. Қайта таъмирланган Тошкент темир йўл вокзали, метронинг Абдулла Қодирий, Минор, Бодомзор, Ҳабиб Абдуллаев бекатлари йўловчиларнинг узогини яқин қилса, Абдулла Қодирий, Кичик халқа йўли, Аҳмад Дониш кўчалари билан туташган жойларда қурилган, йўлчиларни транспорт катновини оsonлаштириш, йўловчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда пойтахтимизда 500 га яқин маҳалла ва тўрт мингга яқин кўча мавжуд, — дейди академик Абдулахад Мухаммадзонов. — Ҳар бирининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ўз атамаси бор. Бу атамалар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ва тарихини ўзида ақс эттиради. Пойтахтимиз марказий кўчаларидан бирига мустақилликка эришганимиздан сўнг Амир Темур номи берилди. Эндиликда фахр ила буюк Соҳибқирон номида эъзозланаётган ушбу шохкўча ҳам ўзининг тарихий аҳамияти, истиқлол йилларидаги юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигининг ёрқин намунаси сифатида келажак авлодга етиб бориши, шубҳасиз.

Менинг болалигим ҳозирги Амир Темур кўчасида ўтган, — дейди Юнусобод тумани «Қашқар» маҳалласи раисининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳамида Аҳмедова. — Авваллари бу кўча жуда тор, унда эски, таъмирталаб бинолар кўп бўлар ва кечалари юришга одам кўрқарди. Истиқлол тўғрисида бу каби нохуш ҳолатларга барҳам берилди. Дастлаб унга муносиб ном берилди. Кенгайиб, ўзгача чирой очган кўча юзидида замонавий, мухташам бинолар, қайта таъмирланган тарихий иншоотлар нафақат пойтахт аҳлини, балки хорижий меҳмонларни ҳам ўзига ром этаётгани бизда фахр ва шукроналик ҳиссини уйғотади. Кўчамизда ёниб турадиган ҳар хил рангдаги чироқлар тўғрисида кечалари ҳам худди қундузгидай ёруғ ва осойишта.


Юртобшимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаюқ тарихимизни, буюк аجدодларимизнинг бой меросини ўрганишга, уларнинг номларини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда юртимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги кўчалар, хиёбонлар, таълим, маданият ва санъат масканлари, истироҳат боғлари тарихимизни, миллийлигимизни, ўзлгимизни ақс эттирувчи номлар билан аталади.

Амир Темур кўчасида — Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жарлик ўрнида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Бу табаррук маскандан халқимиз озодлиги йўлида жон фидо этган инсонларнинг хотирасини ёд этиш учун келган зияратчилару сайёҳларнинг қадами узилмайди.

Бу каби бунёдкорлик ишлари, мафтункор кўчалар, мухташам бинолар, сервайз боғлар шаҳримизни дунёнинг ҳар қандай мамлакатни пойтахти билан тенглаша оладиган, ҳатто кўпларига намуна бўлишига муносиб шаҳарга айлантирди.

Бугунги кунда тарихий кадриятларимизга содиқ ҳолда, замон билан ҳамнафас ривожланаётган Тошкент том маънода бунёдкорлик маркази, диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоен этадиган, элу юртининг инсонийлик фазилатларини, миллиятнинг шаъни, ор-номуси, гурурини, эзгу интилишларини, юксак мақсадларини, нури келажакни ифодалайдиган Шарқнинг ёрқин юлдузи сифатида тараққий этиб бораверади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ



### ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамда «Daily Group Plyus» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳамда иқтисодий алоқалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди.

Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси делегацияси сафида «Posco Architects & Consultants», «SN Engineering» (курулиш), «Moodeung» (машинасозлик), «Searim» (ёғ-мой), «Samae Leather» (кўнчилик), «Хана Интернешнл» (тўқимачилик), «Комодо» (сайёҳлик), «Инчанг» (тиббий ускуналар), «Мунсонг График», «Мунгё» (матбаачилик), «Нолбу» (озик-овқат маҳсулотлари) каби кўплаб етакчи компания раҳбарлари бор.

Компаниямиз соғлиқни сақлаш тизимида қўлланиладиган ускуналар ишлаб чиқариш билан шуғулланади, — деди

«Listem» корпорацияси президенти Чанг Хо Мун. — Юртингизда хорижий ишбилармонлар билан фаол ҳамкорлик учун барча зарур имкониятлар яратилгани бизнес аҳлининг қизиқишини тобора оширмақда. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тарафдоримиз.

Мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буюн иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яратиш тизими амал қилиб келмоқда. 2008 йилда ўзаро савдо ҳажми 23,7 фоиз ўсиб, 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик кўлами муттасил кенгаймоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 351 Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг 57 таси тўла Жанубий Корея сармояси ҳисобига тузилгани бунинг аққол тасдиғидир.

Бирок, кооперацион биржада таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг салоҳият ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмайди. Савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларга оид рақамларни бир неча ҳисса ошириш мумкин. Бунинг учун ўзаро айирбош қилинаётган маҳсулотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш, уни янги товарлар ва хизматлар билан бойитиш, қўшма корхоналар сонини янада кўпайтириш лозим.

Кооперацион биржада ушбу масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Мадина УМАРОВА

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди. Унда вазирлик масъул ходимлари, худудий адлия бошқармалари ва тизимга кирувчи муассасаларнинг ахборот ва компютерлаштириш бўйича мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Адлия вазирлиги ўринбосари С.Холбоев Президентимиз Ислон Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»-ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ушбу ҳужжатда мамлакатимизда давлат идоралари, ташкилот ва муассасаларнинг расмий веб-сайтларини яратиш ва фаолиятини изчил йўлга қўйиш бўйича алоҳида вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан худудий адлия бошқармалари ва вазирлик тизимига кирувчи муассасаларда расмий веб-

**Мамлакатимизда ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар аҳолини барча турдаги ахборот билан таъминлаш ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишда юксак самаралар бермоқда.**

### ВЕБ-САЙТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

сайтлар фаолиятини йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги, Республика Суд департаменти, Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза маркази ҳамда Андижон, Бухоро, Фарғона вилояти адлия бошқармалари ўзининг веб-сайтига эга. Уларда фуқаролар, юридик ва жисмоний шахслар билан ахборот алмашиш йўлга қўйилган. Бу эса ўз навбатида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Веб-сайтларнинг саҳифаларида вазирлик ва бошқармалар томонидан суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, фуқаро, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ихросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар баътафсил ўрин олган.

Анжуманда веб-сайтларни такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик борасида фикр юритилди.

Б.АЙТМУРДОВ  
ЎЗА МУХБИРИ



## ЎЛУҒ САЛТАНАТ

(Тепралогианинг «Мирношоҳ Мирзо» номидаги ўқувчи китобидан айрим боблар)

Муҳаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Муҳаммад Султон эндигина ўли олтини қоралаган, лаблари устини ўсимлик мўлабига сабзадая бегаган, қулар катта-катта, оқ-сарик юзли, нозик табиатли, хиссиётли, билимга интиқ, ҳозирданок довраклиги тилга тушган чакмоқдай йигит эди. Сохибқирон уни валиаҳд, яъни тахтага меросхўр, деб атаган... Бошқа амирзодалардан унинг ўқи ўзган жойи бор, бунга сохибқироннинг ўзи ҳам тан олган ва шу сабабдан ортиқроқ кўрарди. Валиаҳд Муҳаммад Султон туғма истеъдодга эга, келажақда китобат санъатининг устаси бўлгилки, ҳусниаҳдда нодир замон янгли вояга етмоқдаиди, ана шуниси сохибқиронни бағоят қувонтирарди. Асли саройда барча амирзодалар кичикликдан давлат бошқариш, ҳарб жанг йўллари, риёзиёту мусиқа, шоирлиги ҳаттолик, чақдаслиги қуштирилди ва ҳокзо турфа санъатлар сирларини ўрганишарди.

Шаҳзодининг устози Мавлоно Убайд патак соқолини оҳиста силаркан, сурурдан ёшланган, ҳамшира кулиб турадиган қуларини қистанга ҳар сўзида: «Шогирдим аллақачон каминани ҳам ортада қолдирдилар! Шаҳзода Муҳаммад Султон бешак султон ул-хатотин! Бўлғайлар! Валлоҳи аълам, биссабов...» деб қўярди.

Хатотликни ҳам худо қўнғилга соладур, Амир сохибқирон! — ёйилиб кетди Мавлоно Убайд. — Ўрганиш билан бу даражага эришиш мушкулдур... Асли зувалада бор-да, зувалада...

— Ха, ҳа, Оллоҳнинг илтифоти!... — деди Амир Темур ҳам мамнун.

Муҳаммад Султон Кўсарой кутубхонасига тез-тез қадам ранжида қилар, у ердаги кўна китобларни варақлашни ёқтирарди. «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-Хоразмийнинг «Сурат ал-арз», Ал-Берунийнинг «Осор ул-боқия», Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутаду билки» китоблари, аллома Саъдулдин Тафтазо-ний ўқиб берган «Авесто»нинг тахтачалар орасига олиниб, тизимчалар билан боғланган варақ тахламалари, судий тилда битилган «Вессанарака жатака» асарининг сакланиб қолган, гўзал безатилган бир неча варақларини кўздан кечирар, ёзувларнинг шакл-шамойилига диққатни қаратар, сирларини ўрганади. Амир Темур қай юртга бора, нодир китобларни излатиб толдирар, бошқа аъёнларга ҳам шундай қилишни тайинларди. Кўсарой кутубхонаси ана шундай бойиб борарди.

Сохибқирон набирасининг китобат санъатига меҳр қўйганидан мамнунлик туйғусини туйди, чунки илмга, санъатга ошно қалб ҳамшира ёруғ ниятларга йўлдош бўлгусидур! Уни хатотликдай санъатни нозик эгаллаган қўл қилич тутишга ҳам моҳир эканлиги хайратга соларди.

Мавлоно Убайд, яқинда, Муҳаммад Султон кўнраган Абдулайс ас-Самарқандийнинг «Бўстон ул-орифин» рисо-ласини намойиш қилди. Унинг шогирдидан беҳад гурур-ланаётгани сезилиб турарди. Хатот, мусаввир, зароҳал қилувчи музаҳиби, саҳоф қозғорувчи сингари хунарманд-лар меҳнатидан яралган санъат эди бу, лекин хатот заҳмати алоҳида эҳтиромга сазовор. Ҳа, заҳматнинг тохи кўз нурини ҳар бир харфу зеру забарга берган хатот насибасидур! Қувониб кетган Амир Темур рисола олиб варақлар экан, набирасига табассум олиб боқди:

— Кутубхонадаги «Сурат ал-арз» китобидан ҳам бизлар учун бир нусха кўчурсулар, кўндан ерининг суратини кўришга орузмандурбиз...

— Бош устига, Амир сохибқирон! — ҳаяжон чулганган шогирди ўрнига жағвор беришга шошилди Мавлоно Убайд, оппоқ оқарган патак соқолини силанганча. — Валлоху аълам биссабов...

— Муродим шулки, — давом этди Амир Темур, — Худо хоҳласа, камол топиб, «Қуръони карим»ни ҳам мухаммал ҳусниаҳдда битиб, китобат айлаб бергайсиз, шаҳзодам!

Сохибқирон набирасининг манглайдан суюб ўлди.

— Қуллуқ! Қуллуқ! Тилаклари камина учун фармон ўрнидадур! — одоб билан таъзим айлади Муҳаммад Султон.

У сохибқирон сўзларини юрагининг туб-тубига жой-лади. Мавлоно Убайддан бир кун, Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ўли Руқийддин Курсжантийнинг хатини ниҳоятда чиройли ёзишини, ёшландаёқ падали бузрук-вор учун Қуръони каримни кўчириб чиққанлигини эшитган ва жуда ҳаваси келганди. Кўнглидан: «Худо хоҳласа, айтгонингизни бажо қилажакмен, бобожон!» — деган сўзлар кечди.

Гарчи мусанифликка<sup>1</sup> мутлоқ даъвоси йўқ, шаҳзода бир яширин дафтар тутиб, кўрган-билганларини тушириб боришни одат қилди. Бу мақбул нарса экан, вақти-вақти билан варақлаб олдинги қуларни хотирлайсан киши, келажақ қуларни уйлаласен. Унинг устига, бу машқ ўрнини босарди, устозининг сабоғига кўра, шаҳзода ёзиш ҳавосини олиши, қўлни қаламга ўргатиб бориши лозим. У араб ёзувининг насх, қуфий, муҳаққак, та-вқеъ, сулс, таълик, девоний, руқъа ва ҳокзо услубларида ёзишга тиришар, устозидан уларнинг сирларини сўраб оларди.

— Насх ёзувида кўпроқ Оллоҳнинг каломини Қуръони карим кўчирилур, тавқеъда фармонлар, руқъада мак-тублар, арзи илхос хатлари битилур... — тушунтирди Мавлоно Убайд. — Хатга кўрамлики бермак учун сулсда «алиф», «лом» харфлари гажакли ёзилур, «во», «дол» харфлари нафис буралма, яъни шамра билан яқунла-нур...

— Агар «ҳ» сўз охирида келса-чи?

— Чўзиқ кўриниш олар.

— Қуфий хати-чи?

— Қуфий ўзгача, мураккаброқ, бунда харфлар тўғри ва доира чиқишлар асосида битилур. Уни товушлар тур-ли ранглардаги белгилар билан ифода қилинур. Табар-руқ Усмон Қуръони шу услубда терига битилган эрди. Аммо ул мўътабар китобини ўлиб кўзга суртмак, қўнғилга завқу шавқ солмак ҳали каминига насиб этмади, шаҳзо-дам...

— Иншооллох, насиб этгай, устоз... — деди шаҳ-зода.

— Қуллуғ, қуллуғ... Тагин айтсам... Улкан иморат-ларнинг девор ва пештоқларида ҳам қуфийдан фойда-ланулурлар...

Шаҳзода ширин хўрсинди. Унга, айниқса, харф шакл-лари раён ҳарфларида ўшаб кетадиган раённинг ус-лубида қалам тебратиш кўпроқ ёқарди. Ҳар гал хотира дафтаридеги ёзувини тугатар экан, охирида тўғроқ<sup>2</sup> ус-лубида имзо чекиб қўярди.

(Давоми газетанинг келгуси сониди)

<sup>1</sup> Султон ул-хатотин(араб) — хатотлар султони.

<sup>2</sup> Харита дейилмоқчи.

<sup>3</sup> Мусанифлик — яъни китоб ёзиш.

### Тадбирлар

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

**Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ташаббуси билан «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз — биз билан бўл!» номида акция бўлиб ўтди.**

Ушбу акция «Бир вақтининг ўзида» Республи-камизнинг Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Урганч, Термиз ва Қарши каби худудларида ҳам ўтказилди. Унда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ишти-рок этишди. Акциядан кўзланган асосий мақ-сад, ёшларга ОИВ ва ОИТС ҳамда сил касал-ликлари ҳақида маълумот бериш, ундан сақ-ланиш, олдини олиш йўллари тушунтириш-дан иборатдир.

— Мен тренер бўлиб ишлайман. Ушбу тад-бирда касалликлар борасида кўп маълумот-лар ололдим. Қўлимизга чипта беришди. Бу чипта билан биз интерактив ўйнар ўйнадик. Ўйин давомида етакчиларнинг саволларига жа-вор бердик ва билимимизни оширдик. Бу тад-бирда ёшларни қизиқтириш билан бирга ОИВ, ОИТС, сил касалликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришди. Бу айнан ёшлар учун ниҳоятда муҳим, — дейди тадбир иштирокчи-си Доно Вақимова.

Акцияни кузатиш жараёнида шунинг гувоҳи бўлдики, ёшлар оз бўлсада юқоридаги ка-салликлар ва уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида маълумотларга эга эканлар. Ушбу тад-бир уларнинг маълумотларини тўлдирган бўлса ажаб эмас. Тадбир сўнггида иштирокчи-ларга «Ucell» компаниясининг эсдалик совға-лари топширилди.

Эътиқод ОТАКУЛОВА,  
Гўзал ХОЛБОБОВА

Ўзбекистон келажаги бузук давлат экан, уни барпо этиш, албатта ҳар томонлама соғлом бўлган ёшларимизга, уларнинг қандай вояга етиши эса биз — педагогларга боғлиқ.

Ўқувчи ва талаба-ёшларимиз-ни миллий ва умумбағарий кадрларга ҳамда Ватанга са-доқатли бўлиш, иймон-этиқо-ди ва иродасини мустаҳкам қилиб тарбиялашда профессор-ўқитувчи, педагог-мураббий ва устозларнинг ўрни бекибдир.

«Ўқитувчи ҳаёт бўстозининг боғбони, насллар йўлининг ча-роғбони», дейди халқимиз. Ўқитувчи-устозлар ёшларимизга илм ҳикматларини, Ватанин се-вишини, миллий истиқлол ғояси-га садоқатли бўлишни, оқилона соғлом ҳаёт кечиришни ўргатиш билан чекланмасдан айна чоғда ўз билими, ҳалол-покизаллиги, иймони, педагогик маҳорати билан ибрат кўрсатишлари ло-зим.

Дарҳақиқат, ёшларга мукам-мал илм ва тарбия бериш ҳамда маънавий-маърифий тарбият ишлари кўп жиҳатдан ўқитувчи-домланинг педагогик маҳорати-га боғлиқ. Дарслар ва тарбия-вий соатларни ҳаётимизда со-дир бўлаётган воқеа ва ҳодиса-ларга боғлаб, оддий ва тушу-нарли қилиб ўтказадиган, ота-оналарга меҳрибон бўлган

ҳалол, покиза, виждонли мураб-бий, педагог-ўқитувчиларнинг ордидан ёшлар эргашади.

Дунёни ор, нуфус, андиша, виждон, меҳр-оқибат, инсоф ва гурур каби инсоний фазилатлар

эканлигини, у қандай бўлиши кераклиги ва унинг яхши-ёмон бўлиши айнан ўз қўлимизда эканлигини англаб етмади.

Пок қалб ва соғлом фикр ин-сонни комиллик сари юксал-

## КОМИЛ ИНСОН — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

**Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларданок давлатимиз раҳбарияти томонидан мамлакатимиз аҳолисини, айниқса ёшларимизни ҳар томонлама ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом, руҳий покиза, юксак маданиятли комил инсон бўлиб етишишлари учун катта имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда.**

ушлаг туради. Буни чуқур ан-глаб ва уларга тўла амал қила-диган профессор-ўқитувчи ва устоз-мураббийлар ҳурмат-из-затга сазовор бўлади.

Боболаримизнинг «Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмас-ми?» деб мерос қилиб қолдир-ган сўзларини қалб кўзи билан мағзини қабиб кўрсак, унда бир жаҳон маъно борлигини, ҳаёти-миз мазмунини нимадан иборат

тиради. Покиза қалб билан халқни, Ватанин деб тинчлик учун қилинган меҳнат шон-шу-ҳрат ва ҳалол бойлик олиб ке-лади.

Хорижий мамлакатлардан ке-лаётган сайёҳ ва меҳмонлар му-стақиллик тўғрисида пойтахтимиз — Тошкентда, виллоятларимиз ва шаҳар-кишлоқларимизда бунёд этилаётган кенг-равон йўллари-миз, янги музейлар, меҳмонхо-



## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — IOSA СЕРТИФИКАТИ СОҲИБИ

«Ўзбекистон ҳаво йўлла-ри» миллий авиакомпания-си бош директори В.Тян мамлакатимизда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат да-стури изчил амалга ошири-лаётганини таъкидлади. Жумладан, ушбу дастурда парвозлар хавфсизлигини оширишга оид самарали чора-тадбирлар кўзда ту-тилган. Миллий авиакомпан-иямизнинг IOSA оператор-лари реестрига киритилиши авиакомпаниянинг эксплуа-тация хавфсизлиги пара-метрлари IATA нормаларига тўлиқ мос келишини дало-латдир. Авиакомпаниямиз парвозлар хавфсизлиги ва авиация хавфсизлиги стан-дартларига мувофиқлик бўйича халқаро аудит ишла-рини 2009 йилнинг баҳори-да яқунлаган эди.

IOSA сертификати авиа-компаниялар учун умумэти-роф этилган сифат белги-си ва ҳаво линияларидан

биргаликда фойдаланиш бўйича ҳамкорлик шартно-маларини тузиш ҳамда ўз ташишларини ҳамкор-авиа-компанияга сотиш ҳуқуқини беришнинг мақсадага муво-фиқлиги тўғрисида қарор қабул қилишда кўплаб авиаташувчилар учун ўзига ҳозир ҳужжат ҳисоблана-ди.

Энг асосийси, у — хавф-сиз авиаташувчининг тас-диқланган халқаро макомид-ир. Сертификат авиаком-панияларнинг IATA, шунин-гдек, халқаро авиация аль-янсларига қўшилиши учун мажбурий талаб ҳисоблана-ди. Шундай қилиб, «Ўзбе-кистон ҳаво йўллари» авиа-компанияси «Sky Team» аль-янсига қўшилиш борасида

навбатдаги муҳим қадамни қўйди.

Дунёнинг йирик авиаком-панияларини ўзида бир-лаштирган «Sky Team» хал-қаро альянсини йўловчи ҳамда юк ташиш бозори-нинг катта қисмини назорат қилади. Альянс билан ҳам-корлик «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг халқаро авиа-транспорт тизимига инте-грациялашуви учун янада кенг имкониятлар очади.

IOSA операторининг сер-тификати Ўзбекистон мил-лий авиакомпанияси жамо-аси фаолиятига ушбу ну-фузли халқаро ташкилот то-монидан берилган юксак баҳодир.

В.НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА МУХБИРИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ IOSA (IATA Operational Safety Audit) ОПЕРАТОРЛАРИ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛДИ. ХАЛҚАРО ҲАВО ТРАНСПОРТИ АССОЦИАЦИЯСИДАН (IATA) БУНИ ТАСДИҚЛОВЧИ РАСМИЙ МАКТУБ КЕЛДИ.

наваларимиз қаторида халқаро стандартлар талабларига мос бўлган «Ўзбекистон», «Жар», «Дельфин», «Ешлик», «Талаба», «Умид» каби юзлаб спорт-со-гломлаштириш иншоотларимиз-ни кўриб ҳавас билан қойил қол-моқдалар.

Аваллари спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 1-2 ме-далга эришган бўлсалар, Истиқ-лол йилларида эса Олимпиада, Осиё ўйинлари, жаҳон чемпио-натлари ва халқаро мусобақа-ларда қатнашиб юзлаб, минглаб олтин, кумуш ва бронза медал-ларини қўлга киритиб келмоқ-далар.

«Спорт маънавиятни юксал-тиради», деган широнинг кели-би чикишида асос бор. Чунки мам-лакатимизнинг олимлари, ҳуку-мат раҳбарлари, хизматчи-хо-димларининг теннис, футбол, волейбол, сузмиш каби спорт тур-лари билан шуғуллашишлари сир эмас. Юртимизда истиқбол-ли ёш спортчиларни аниқлаш, уларга манзур бўлган шароит яратиш бериш мусоабаларда Бола-лар спортини ривожлантириш жамғармаларининг ташкил қилиниши ҳукуматимиз томони-дан берилаётган эътиборнинг тасдиғидир.

ЭРКИН КАРИМОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз

### Таълим янгиликлари

## ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурида қишлоқ хўжалиги соҳасида малакали мутахассисларни кўплаб тайёрлаш масаласи ҳам ў ифодасини топган.**

Шунга кўра Тошкент Ирри-гация ва мелиорация инсти-тутиди «Фермер хўжалиқлар-да муҳандислик тизими», «Ир-ригация ва мелиорация ма-шиналари ҳамда уларни жи-ҳозлаш» йўналишларида таъ-лимий тизим жорий этилди. Янги ўқув йилида бундай их-тисосликлар бўйича талайги-на абитуриентлар ўқишга қабул қилинадиган бўлди.

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

**Тошкент ахборот технологиялари университетининг сиртки бўлимига ҳам ҳужжатлар қабул қилиш бошланди.**

Бу сафар олий ўқув юрти-да 50 нафар ёш мутахассис-га сиртдан ўқиш, малакали алоқа ходими бўлиш имкони берилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-ридаги Давлат теш маркази-дан маълум қилишларича, Тошкент Кимё-технология ин-ститутининг Кўнғирот бўли-мига 65 нафар толиби илм сиртдан ўқишга қабул қили-нади. Абитуриентлар билан ишлаш учун бу олий ўқув юрт-ларида барча қулайликлар муҳайё этилди.

## МАРКАЗ НАШРИ

**Республика «Биоэкоксан» ёшлар ўқув-методик маркази қатор нашрларни босмага тайёрлади.**

«Ёш экомухбирлар учун» деб номланган қўлланма эса яқинда босма юзини кўрди.

Ушбу янги тўплам жойлар-да экуторизм йўналишида фаолият кўрсатаётган студия-лар учун фойдали ўқув ада-биёти бўлиб хизмат қилади.

Ақбар АЛИЕВ



Ёзининг жазирама кунларида фавворалар салқини жонингизга оро киради

**Болаларнинг ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришини мазмунли, ҳар томонлама хавфсиз, беками-кўст бўлишини таъминлаш соҳа мутасаддиларидан катта масъулиятни талаб этади. Айтиқад, тоғ, тоғ олди ҳудудларида жойлашган оромгоҳларга сел, кўчки, сув тошқини сингари табиий офатлар хавф солиши мумкин.**

Шу маънода Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 7 июлдаги «Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Чорвоқ қишлоғида жойлашган «Сокол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудида амалий ўқув семинари ва болалар ўртасида «Ёш кутқарувчилар» мусобақасига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи ҳамда Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсатининг 2009 йил 25 мартдаги «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига мувофиқ «Сокол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ёзги болалар дам олиш оромгоҳларида фаввораларда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида амалий ўқув-семинари ва «Ёш кутқарувчилар» мусобақаси бўлиб ўтди.

## Оромгоҳларда АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фавворалар вазиятлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Фавворалар вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси, Тошкент шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорати маркази, «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими Кенгаши, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли молла-

ри ишлаб чиқариш департаменти, шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, Тошкент шаҳар корхоналари тасарруфидаги Чирчик, Паркент ва Оҳангарон туманлари ҳудудларида жойлашган 21 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари

иштирок этишди. Ўқув-семинарини Тошкент шаҳар Фавворалар вазиятлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Қобил Турсунов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг, Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари Анатолий Ефимов, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хумоюн Акбаров, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси инспектори, капитан Жалолиддин Муҳаммадов ва бошқалар сўзга чиқиди. Йиғилганлар болалар соғломлаштириш оромгоҳларида хавфсизлик маданиятини шакллантириш, оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, 2009 йил ёзги дам олиш мавсумида «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» фанининг оромгоҳларда ўтказилишига доир ме-

тодик усуллар, болаларни турли ҳашаротлар чаққанида, суюқ синганида, қон кетиши ҳолатларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ўткир ичак, респиратор хасталикларининг олдини олиш ва санитария-гигиена тадбирларини ўтказиш тартиби, оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ва уни ўтказиш давомида кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни қамраб оладиган мавзулар доирасидаги маърузаларни тингладилар. Шундан сўнг оромгоҳда ҳордиқ чиқарувчи болалар ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» мусобақаси ўтказилди. Мусобақа мобайнида алоҳида ўрнатилган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ва эсдалик совғалари топширилди.

— Оромгоҳимиз «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти тасарруфида фаолият олиб боради, — дейди «Сокол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори Тоҳир Рустамов биз билан суҳбатда. — Ҳар бир мавсумда 960 нафар ўқувчини қабул қиламиз. Ҳозирги кунда эса 320 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда. Шулардан 120 нафари Қорақалпоғистон Республикаси меҳнатқашлари фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳисобланади. Оромгоҳимизда маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Бундан ташқари болажонларимизнинг чиниқишига хизмат қиладиган спорт мусобақалари, бадий чиқишлар уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришларига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Тадбирнинг якуновчи қисмида Тошкент шаҳар Фавворалар вазиятлар бошқармаси кутқарув хизмати ходимларининг ноқулай об-ҳаво шароитида оромгоҳ болаларини кутқаришга асосланган чиқишлари йиғилганлар томонидан илқ қарши олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

## Спорт янгиликлари АҲРОРБЕК ЭНГ ЗҲР БОКСЧИ

Қирғизистонда бокс бўйича ташкил этилган халқаро турнирда мезбонлар билан бирга Ўзбекистон, Россия, Хитой ва Қозғистондан келган юз нафарга яқин чарм қўлқоп устаси голиблик учун рингга чиқди.

Мусобақада саксон бир килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, чемпионликка сазовор бўлган ҳамюртимиз Аҳрорбек Қурбонов турнирнинг энг яхши боксчиси, деб топилди. Олтин тўққиз килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда қатнашган спортчимиз Беҳзод Юнусов ҳам финалда галаба қозониб, олтин медаль билан тақдирланди.

## ПОЛВОНЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Германиянинг Дортмунд шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган «Германия гран-приси» халқаро турнирида дунёнинг энг kuchли курашчилари қаторида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Юнон-рум курашчилари ўртасида 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан вакилларимиздан Элдор Ҳафизов кумуш, Санжар Жумашев эса бронза медаль билан тақдирланди. Вазни олтинчи килограмм бўлган полвонлар баҳсида финалга чиққан Элшод Рафутдинов шохсупанинг иккинчи погонасини эгаллади.

Эркин кураш беллашуларида қатнашган спортчиларимиздан уч нафари — Аҳтам Очилов, Дилшод Мансуров ҳамда истеъдодли ёш полвон Алишох Воҳидов терма жамоамиз ҳисобига бронза медаль келтирди.

## ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ БАҲСИ

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида бокс бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида 1995-1996 йилларда туғилган уч юз нафарга яқин спортчи ўн еттита вазн тоифасида голиблик учун гиламга чиқди.

Бу галги мусобақада ҳам Андижон ва Фарғона бокс мактаблари тарбияланувчилари ўз устунлигини намойиш қилди. Андижонлик боксчилардан беш нафари — Асанбой Муйдинжонов, Беҳзодбек Заҳриддинов, Муҳаммадолим Сотволдиев, Азизбек Обидов барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медаль билан тақдирланди. Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилган боксчилар — Давронбек Юсупов, Раҳимжон Алижонов, Ойбек Шарипов, Акбаржон Мелизиёев, Алиёр Норалиев ҳам мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди.

Қолган олтин медаллар буюқлик Азизбек Авазов, Шохруҳ Солиҳов, наманганлик Асилбек Сотволдиев, Жасур Тўйчибоев, сурхондарёлик Окмурод Рафқоров, Хусниддин Зиёдуллаев, олмаликлик Самандар Фозилов ҳамда қорақалпоғистонлик Эрназар Айтбоевга насиб этди.

Бохир БЕК

## Ҳурматли тадбиркорлар!

Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

269-14-45, 262-92-42  
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

## Солиқ

## КЎЗБЎЯМАЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳужжатли текширишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тафтиш чоғида солиқ тўлашда кўзбўямачиликка йўл қўйган корхонанинг сирлари фош бўлди.

«Magistral stroy biznes servis» масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган текширув натижалари ушбу жамиятнинг йил давомида солиққа оид қатор қоидаларни бузиб, тўловларни қасдан қамайтириб тўлаш ҳолатлари кузатилган. Ушбу жамият мансабдор шахслари томонидан ўзлаштирилган маблағларнинг чеки йўқ, «шаҳар бедарвоза» қабилида иш юритган «ишбилармонлар» ҳеч ким текширмайди, деб ўйлашганими, кўнгилларига келган ишни қилишган.

Келинг, фактларга тўхталамиз. Текширувда шуниси маълум бўлдики, «Magistral stroy biznes servis» МЧЖ 2008 йил 1-ярим йиллигида қўшимча қиймат солиғи, йўл фонди, мактаб таълимини ривожлантириш фонди, пенсия фондида тўлашни лозим бўлган солиқ ва тўловларнинг жами суммасидан 29 миллиондан ортиқ маблағни қасдан яшириб, тўлашдан бош тортган.

Бундан ташқари текширувда корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги 1504-сонли Фармони талаблари ҳам қўпол равишда бузилганлиги, корхона томонидан жами 60 миллионга яқин нақд пул тушуми банк муассасасига топширилмай тушум яши-

рилгани ва товар-моддий бойликларининг омбор ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича корхонага нисбатан молиявий жарима қўлланилган. Текширув кунига корхонанинг давлат олдидаги қарзи 175.082,0 минг сўмини ташкил этган.

Ташкилотнинг ноқонуний ишлари шу билан ҳам якунланиб қолмади. Ўрганган кўнгил ўртаниб қолмади — йилнинг иккинчи ярмида ҳам «фаолият»ни давом эттириб, 2008 йилнинг 4-чорағи учун туман ДСИга тегишли ҳисоботларини топширмай жами 18 348 000 сўм миқдоридан солиқ ва мажбурий тўловлар тўламасдан давлат бюджетига зарар етказган.

Ўз манфаатларини давлат манфаатидан устун қўйган корхона раҳбарига нисбатан департаментнинг Мирзо Улуғбек тумани бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Ўткир ЛУТФУЛЛАЕВ,  
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖҚДЛК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ҳужжатли текширишлар бўлими катта тафтишчиси



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

ФЕЪЛИНГ — ДУШМАНИНГ

Арастудан:

— Нега бахилларнинг асаби ҳамиша таранг? — деб сўрабдилар.

Шунда у:

— Чунки улар фақат ўзларининг омадсизлигини эмас, бошқаларнинг омадини кўриб ҳам изтироб чекадилар, — деб жавоб берибди.

### УЗУҚДАГИ ҲИКМАТ

Бир донишманднинг узугига қуйидаги сўзлар ёзилган экан:

«Бир лаҳзалик омаддан кўра бир лаҳзалик омадсизлик афзал».

### АҚЛЛИ ВА АҲМОҚ

Бир файласуф шундай деган экан.

— Ақлли одам аҳмоқни дарров танийди, чунки ақли киргунча бир вақтлар ўзи ҳам шундай бўлган. Аммо ақлсиз одам ақлли одамни таниши амри маҳол, чунки у ҳеч қачон ақлли бўлмаган.

### ТУШУНАРСИЗ ТАБИАТ

— Одамнинг табиати жуда ғалати-да, — дебди бир файласуф, — давлати кўлидан кетса қайғуради, аммо умри ўтиб кетаётганига парво қилмайди.

### ЭНГ МУШКУЛ ИШ

Бир кун донишманддан:

— Оламда энг мушкул иш нима? — деб сўрашибди.

— Ўзлигини билиш ва сирингни сақлай олишдан мушкулроқ иш йўқ, — деб жавоб берибди у.

### СИРИНГНИ ҲЕЧ КИМГА АЙТМА

Бир файласуф шундай дебди:

— ДУШМАНИНГДАН ПИНҲОН ТУТГАН СИРИНГНИ ДЎСТИНГГА ҲАМ АЙТМА, ЧУНКИ ДЎСТНИ ДУШМАНГА АЙЛАНИШИ ЖУДА ОСОН.

### ДОНИШМАНДНИНГ ДАВЛАТИ

Бир подшоҳ донишманддан:

— Сенинг мол-давлатинг, ер-сувинг қаерда? — деб сўраган экан, у ўз шогирдлари ва ҳомийларига ишора қилиб:

— Мана бу кишиларда, — дебди уларга берган билимларини назарда тутиб.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

## Тадбиркорлар диққатига!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, манфаатларини таъминлаш юзасидан Жамоатчилик кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Жамоатчилик кенгашининг «Ишонч телефони»:

150-31-01

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темуր шохқўчаси, 14-уй.

Тошкент шаҳар Фавворалар вазиятлар бошқармаси жамоаси бошқарма бош мутахассиси Алишер Арибжановга опаси

Гулнора АРИБЖАНОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба

ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2857 нусxada босилди.

Қозғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156 89